

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Раиси Рафиқов Қудратилла Мирсагатовичга**

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси
Фарходжон Раҳманович Хананияевга**

МИННАТДОРЧИЛИК ХАТИ

Мен Раджабова Жамила Содуллаевна Тупроққалъа тумани, Яккачиқир маҳалласи, Қиробод кўчаси 49-уйда яшайман, ёлғиз онаман, турмуш ўртоғим вафот этган, 1 нафар фарзандим бор. Ҳазорасп туман тиббиёт бирашмасида 1993 йилдан турли хил вазифаларда ишлаб, касб касаллигига чалинганлигим сабабли Н-1 шаклдаги далолатнома тузишда ва бир йўла бериладиган нафақа ҳамда зарар тўловларини олишда амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти Кенгашига 2024 йил 26 феврал куни мурожаат қилган эдим.

Мурожаатимни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат техник инспектори ўрганиб чиқиб, мени манфаатимни кўзлаб иш берувчига берган кўрсатмаси натижасида менга биринчи навбатда Н-1 шаклдаги далолатнома тузилди ва шу асосда менга пенсия жамғармасидан ногиронлик нафақаси тайинланди ва тўлаб бошланди.

Сизнинг инспекторингиз томонидан иш берувчи ва суғурта компанияси ўртасидаги ёзишмалардан кейин, 2024 йил 10 сентябр куни “Кафил суғурта” АЖ томонидан мени пластик карточкамга **78 041 573 сўм** бир марталик нафақа ва ойма ой тўланиши лозим бўлган касб касаллиги бўйича зарар пуллари ўтказиб берилди.

Сизнинг тиббиёт ходимларини меҳнатига оид ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинган меҳнат инспекциясига ва барча ходимларингизга чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Бундан кейинги фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб қоламан.

Хурматли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Раиси Рафиқов Қудратилла Мирсагатович,

Хурматли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарходжон Раҳманович Хананияев,

Сизларга ўзим, 80 ёшга кирган онам ва фарзандларим номидан миннатдорчиликимни билдираман.

Мен касаба уюшмаси аъзоси бўлганлигимдан афсусланмайман.

Хурмат билан,

Раджабова Жамила Содуллаевна 